

«Рўза тутишингиз сиз учун яхшиликдир»



15:20 / 23.03.2023 3905

Ҳозирги кунда рўза кўплаб беморликларни даволашда қўл келмоқда:

1. Семизлик оқибатида келиб чиқадиган қон томирларининг торайиши, қон босимининг ортиши ва баъзи юрак касалликларини даволашда.
2. Қон айланишига хос касалликларни даволашда.
3. Бўғинларнинг сурункали шишини даволашда ва ҳоказолар.

Бу борада доктор Мак-Итчен келтирган жадвални ҳавола қилсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди:

Касалликнинг номи	Тажрибада қатнашганлар	Соғайганлар сони	Соғаймаганлар сони
Қон босими ортиши	141	14	10
Қабзият	88	77	11
Тўғри ичак касали	67	64	3
Камқонлик	60	52	8
Бавосил	51	48	3
Бронхит	42	39	3
Жигар касали	41	36	5
Шишлар	38	32	6
Ич дам бўлиши	36	34	2

Юрак касали	33	29	4
Бронхиал астма	29	29	0
Қорин ва ўн икки бармоқ ичак яраси	23	20	3
Йўғон қон томири кенгайиши	23	22	1
Аллергия	19	17	2
Экзема	18	15	3
Қандли диабет	14	14	0
Саратон) рак(5	5	0
Тутқаноқ	5	5	0
Склероз	4	3	1

Ҳозирги кунда рўзанинг инсон саломатлиги учун фойдали экани ҳақида кўп гапирилмоқда. Ҳа, бу ҳақда бугун бутун дунё гапирмоқда, бундан аввал ҳам гапирган. Фақат худосиз жамиятларгина рўзани киши саломатлиги учун зарарли дейишар эди. Ўзларига илм нисбатини берган бу жоҳиллар яқин-яқингача одамларга рўза соғлиқни бузувчи энг катта омил эканини уқтиришга уриниб келишди. Рўза яқинлашиши билан коммунистик ахборот воситалари унга қарши ташвиқот ишларини бошлаб юборар эди.

«Мўминнинг қалқони» китоби асосида тайёрланган

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.